



ТИЛ ТАЪЛИМИ УЧУН ВИРТУАЛ ЎҚУВ МАЖМУАЛАР ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Юлдашева Шахло Шукурлаевна

педагогика фанлари номзоди,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори

E-mail: shahlondpi@gmail.com

DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.14995180>

Умумтаълим мактабларининг тил таълимида амал қилаётган таълим воситаларининг мавжуд ҳолатини ўрганиш, педагогик дастурий воситаларни тил таълимига татбиқ қилиш жараёнини жадаллаштириш ҳамда виртуал ўқув мажмуалар яратиш ва ундан фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш муайян тадқиқотларни талаб қилмоқда. Боиси таълим тизимида аниқ ва табиий йўналишдаги фанлардан ўқув ва ўқув-амалий машғулотларда ахборот технологияларининг виртуал имкониятларидан фойдаланиш оммалашиб бормоқда ва кутилган натижаларни бермоқда. Барча фанларни ўрганиш учун остона саналадиган она тили, ўзбек тили фанлари бу жараёндан чеккада қолиши мумкин эмас.

Виртуал сўзининг тарихий, фалсафий луғатларда берилган изоҳлари қуйидагича: латинча *virtus* сўзи куч, имконият, кучли маъноларини англатади. Французча "*virtuel*", инглизча "*virtual*" сўзлари ана шу сўз билан боғлиқ бўлиб, "салоҳиятли", "кўзда тутилган", "фараз қилинган", "макет шаклида сунъий яратилган" маъноларини англатади [20,21]. Д.Н.Ушаковнинг "Рус тилининг изоҳли луғати"да "яширин кириб келадиган ва шиддатли намоён бўладиган; фараз қилинадиган" тарзида изоҳланган бўлса [22], С.И.Ожегов, Н.Ю.Шведоваларнинг "Рус тилининг изоҳли луғати"да "мавжуд бўлмаган, лекин эҳтимоли бор, мумкин нарса" деб изоҳ берилади [18]. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бу сўз келтирилмаган. Ҳозирги кунда техника атамаси сифатида техник воситалар ёрдамида олам образини сунъий моделлаштириш бўлиб, шу образнинг имитация орқали инсон томонидан ҳис қилиниши тушунилади [1]. Бунда фойдаланувчи мавжуд ҳолатга таъсир қила олиш имконига эга бўлиши лозим. Сунъий мавжудлик тушунчаси 1969 йиллар охирида Майрон Крюгер томонидан киритилган бўлиб, 1989 йилда Ярон Ланьер ҳозирда оммалашиб кетган «виртуал мавжудлик» атамасини киритган.

Виртуал мавжудлик технологияси инсон фаолиятининг турли соҳаларида, хусусан, лойиҳалаштириш ва дизайнда, фойдали қазилмаларни излаб топишда,



харбий технологияларда, қурилишда, маркетинг ва рекламада, кўнгилочар ўйинлар саноатида кенг қўлланилмоқда.

Таълим тизимида виртуал технологиялар татбиқини информатика, физика, химия, биология фанларидан компьютер ёрдамидаги электрон виртуал лаборатория шаклларида фойдаланилишида яққол кўриш мумкин. Россияда электрон таълим ва электрон таълим воситаларини яратиш, виртуал ва виртуаллик, унинг фалсафий моҳияти, виртуаллик ва таълим масаласи илмий-назарий жиҳатдан Н.А.Носов [8], С.С.Хоружий [12], Р.А.Нуруллин, [10], Аленичева Е., Монастырев Н. [2], Батакова Е.Л., Батакова Н.В. [3], Бородовская А.Ю., Волков О.И. [5], Краснова Т. И. [9], Делик В.М., Каверина Л.В., Е.С.Косинов [6] тадқиқотларида ёритилган бўлса, Ўзбекистонда А.Абдуқодиров [1], Н.Тайлақов [13], У.Бегимқулов [4], Ф.Зокирова [7], М.Файзиева, В.Хамидовлар [11, 15, 16], Тайлақова Д.Н. [14]ларнинг ўқув контентларни яратиш тажрибалари ёритилган.

Виртуал ўқитиш жараёни ва унда қўлланиладиган технологиялар кўплаб инновацион методлар ва усулларни уйғунлаштира олиши билан характерлидир. Шунинг учун ҳам уларни тўплаш, таснифлаш, ўқитувчилар фаолиятига сингдириш механизмларини ишлаб чиқиш ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасига киради. Она тили, ўзбек тили таълими учун мазкур йўналишда бугунги кунга қадар амалий характердаги тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Виртуал атамасини тилларни ўрганиш жараёнига татбиқ қилинаётган ахборот технологиялари ёрдамида яратилаётган электрон таълим воситаларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Она тили, ўзбек тили таълимида мавжуд босма таълим воситалари (дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар, жадваллар, дафтарлар)нинг виртуал имитацион моделларини яратиш (электрон дарслик, электрон қўлланма, электрон жадваллар, электрон дафтарлар), видео ва аудио материалларни тинглаш, кўриш орқали фикрлашга, таҳлил қилишга йўналтириш, реал бўлмаган, моделлаштирилган электрон дафтарларда интерактив машқларни бажариш жараёни виртуал мавжудлик деб қаралиши мумкин.

Халқаро интернет тармоғида бевосита тил таълими бўйича яратилган электрон дарсликлар, хусусан, Россия Федерациясида тайёрланган электрон адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, электрон адабиётлар ёрдамида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида фаолият юритади. “Просвещение” билан очик дарслар”ни кузатишдан маълум бўлдики, Россия Федерацияси умумий ўрта таълим мактаблари учун 2015 йилда яратилган электрон қўлланмалар



айнан амалдаги дарсликларнинг босма нашрларига мувофиқ яратилган. 2015, 2016 йиллар давомида ўтказилаётган синовларда ўқувчи ролини фан ўқитувчилари, педагогика институтлари талабалари бажармоқда ва электрон қўлланмаларнинг имкониятлари намойиш қилинмоқда. Ана шу жараёнда уларни такомиллаштириш ва электрон адабиётлар билан ишлаш механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Бу борада инглиз тили таълимидаги “Homebook”, “Workbook” (“Уйда иш китоблари”и), рус тилини ўқитишда амалда бўлган “Рабочая тетрадь” (“Иш дафтари”), “Электронная тетрадь”лар қатор афзалликларга эга. Қайта кўчириб ёзиш талаб қилинмайдиган репродуктив ва қисман изланувчанликка асосланган машқлар кафолатли натижаларга эришиш жараёнини жадаллаштириши мумкин.

Инглиз тили таълимида “True-false” (“Тўғри-нотўғри”), Мини-ТЕСТ, “Мосликни аниқлаш”, “Қиёслаш” машқлари, алгоритмга асосланган машқлар, шунингдек, грамматик таҳлил турлари такомиллаштирилган машқларни амалий дастурларда электрон машқларга айлантириш имкониятлари мавжуд. Бу она тили, ўзбек тили таълими учун ҳам мувофиқ келади.

Ўзбек тилини она тили, давлат тили ва чет тили сифатида ўқитишда таълим самарадорлигига ёрдам берадиган бир қанча амалий ва педагогик дастурлар, муаллифлик дастурлари мавжуд. Microsoft Word, Microsoft Power Point, Ispring, MtestX, Microsoft Office Publisher, HotPotatoes, Excel, Adobe Photoshop, CorelDraw, AutoPlay Media ва б. амалий дастурлардан фойдаланиш виртуал ўқув мажмуаларни яратиш жараёнини жадаллаштиради.

Электрон ўқув-методик мажмуалар яратиш юзасидан тадқиқотлар қуйидаги муаммоларни ечиш назарда тутади:

1. Она тили, давлат тили, ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш учун виртуал ўқув мажмуаларни яратиш жараёнини технологик таъминлашнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш.

2. Тил таълимида виртуал муҳитда ўқувчиларнинг нутқий кўникма ва малакаларини, компетенцияларини шакллантириш, ривожлантиришга қаратилган хорижий тажрибаларни ўрганиш.

3. Тил ўқитишда самарали амалий ва педагогик дастурий воситалар, муаллифлик дастурларининг имкониятларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш технологияларини яратиш.

2015 йилда бошланган тадқиқот давомида курс ишлари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари бўйича изланишлар



натижасида 5-синф учун “Она тили” фанидан виртуал ўқув мажмуанинг 1-қисми яратилди (муаллифлар: Ш.Юлдашева, М.Бекжанова, Д.Смайлова, О.Зарипов, Д.Уразбоева, Қ.Гулманова, Г.Янгибоева); тажриба-синовлар ўтказилди; аниқланган камчиликлар бартараф қилинди; виртуал ўқув мажмуанинг 2-қисми ҳамда мажмуадан фойдаланиш технологияси бўйича методик кўрсатма тайёрлаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Яратилган электрон ўқув-методик мажмуанинг функционал имкониятлари: фойдаланувчилар дастурнинг менюси ёрдамида ихтиёрий дарс мавзусини танлаш ва унга тезкор ўтиш, олдинги ва навбатдаги мавзуларга ўтиш, мавзуга доир машқлар ва тестларни ечиш орқали ўз-ўзини баҳолаш ҳамда шу жараёнда луғатлар, шунингдек қўшимча адабиётларга тезкор ўтиш ва дастурдан чиқиш каби бир қатор ҳаракатларни осон бажаришлари мумкин.

ЭХМ тури: Pentium IV; дастурлаш тили: HTML, Flash 8.0, iSpring Suite, AutoPlay Media; операцион муҳит: Windows XP, Windows 7, 8, 8.1, 10.

Электрон қўлланманинг I қисми I-II чорак материалларини (тақвим-режадаги 1 – 99-дарслар) тақдимотлар, аудио ва видеолавҳалар, видеодарслар, 10 дан ортиқ турдаги машқлар ва тестларни қамраб олади. Ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенцияларини ривожлантириш учун она тили таълимида муҳим ўрин тутувчи луғатларнинг (жами: 7 та), фанлараро интеграция таъминланиши учун шу синфда ўрганиладиган фанлар учун амалдаги дарсликларнинг электрон вариантлари жойлаштирилаётганлиги, ҳар бир чорак учун назорат тестларининг киритилаётганлиги фойдаланувчилар учун қулайлик туғдиради.

Мазкур қўлланма тил таълимига жорий қилинаётган дастлабки виртуал ўқув-методик мажмуа сифатида қаралиши мумкин. Ўқувчилар ўқитувчилар бошқарувида видео ва аудио материалларни тинглаш, кўриш орқали фикрлашга, таҳлил қилишга йўналтириладилар, реал бўлмаган, моделлаштирилган электрон дафтарларда интерактив машқларни бажарадилар, электрон луғатлар орқали сўзлар маъноларини ўрганадилар. Янги адабиёт нафақат таълим олувчиларнинг фанга қизиқишини орттиришга, балки ўқитувчилар вақтининг тежалиши, кам вақт ва куч сарфлаб юқори самарага эришишга хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдукодиров А., Хайитов А. Ахборот технологиясига оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Т.: ТДПУ, 2002. – 27 б.
2. Аленичева Е., Монастырев Н. Электронный учебник (проблемы создания и оценки качества. Высшее образование в России. 1. 2001. – 121-123.
3. Батакова Е.Л., Батакова Н.В. Интерактивные средства как часть электронно-образовательных ресурсов. Вестник ТГПУ. 1 (166). 2016. – 105-108.
4. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: “Фан” нашриёти, 2007. – 144-б.
5. Бородовская А.Ю., Волков О.И. Дизайн электронного мультимедийного пособия по татарской традиционной художественной культуре с учетом когнитивного восприятия. Вестник ТГПУ. 1 (166). 2016.
6. Делик В.М., Каверина Л.В., Е.С.Косинов. О структуре и составе электронного учебно-методического комплекса. Психолого-педагогический журнал Гаудеамус. 2(22) 2013.
7. Зокирова Ф. ва б. Электрон ўқув мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. Методик қўлланма. – Т.: ОЎМТВ, 2010. – 55 б.
8. Носов Н. Виртуальная психология / Николай Носов. – Москва : АГРАФ, 2000. – 430 с
9. Краснова Т. И. Возможности электронного обучения в непрерывном образовании // Молодой ученый. – 2015. – №6. – С. 634-636.
10. Нуруллин Р.А. Виртуальность как условие существования реальности. Вестник СамГУ. – 2005. – №4 (38)
11. Хамидов В.С. Талим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида. [http://uz.infocom.uz/2009/12/21/talim-tizimida-keskin-burilishga-sabab bolgan-4-dastur-haqida/](http://uz.infocom.uz/2009/12/21/talim-tizimida-keskin-burilishga-sabab-bolgan-4-dastur-haqida/)
12. Хоружий С.С. Род или недород? Заметки к онтологии виртуальности [Электронный ресурс] / С.С. Хоружий. – Режим доступа: <http://royallib.com>
13. Тайлаков Н.И. Информатика курсидан интерактив ўқув мажмуалар. – Т.: 2010.
14. Тайлакова Д. Н. Технология моделирования и создания электронного учебника по курсу «Родной язык» // Молодой ученый. – 2013. – №5. – С. 772-775.
15. «Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари» модули бўйича модули бўйича ўқув-услугий мажмуа (Тузувчилар: В.С.Хамидов, М.Адашбоев, Д.А.Собирова) – Т.: 2015.
16. “Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули бўйича ўқув-услугий мажмуа (тузувчилар: Т.Т.Шоймардонов, В.С.Хамидов, М.Файзиева) – Т.: 2015. – 11-67 б.
17. Yuldasheva, S. The issues of digitalization of uzbek language teaching in the context of innovative education. *Theoretical & Applied Science Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (11), 1150-1153.
18. <http://www.ozhegov.org/>
19. <http://www.moluch.ru/>.
20. <http://diclist.ru/slovar/istoricheskij/v/virtualnyj.html>
21. <http://diclist.ru/slovar/filosofskiy/v/virtualnyj.html>
22. <http://diclist.ru/slovar/ushakova/v/virtualnyj.html>
23. <http://webcache.googleusercontent.com/search?q=cache:y9MqUFGmJKUJ:tmetod.uz/wp-content/uploads/oquv-metodik-majmua/a-3.2.pdf+&cd=1&hl=ru&ct=clnk&gl=uz>